

Хамидов Сардор Рахмонович,
Ўзбекистон Банк Молия академияси магистри

ЗАМОНАВИЙ БАНК МОДЕЛИДА ID КАРТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Аннотация. Мақолада замонавий банк моделида рақамли банк моделининг элементи бўлган ID карталардан фойдаланишнинг иқтисодий-ижтимоий асослари, рақамли банкингнинг ID карталар илк босқичи эканлиги ва ундан миллий иқтисодиётимизда фойдаланиш имкониятлари бўйича илмий хуросалар тақдим этилди.

Таянч тушунчалар. ID карталар, банк операциялари, "Big Data" идентификациялаш, маълумотлар базаси, иқтисодиёт, модель, рақамли банкинг, QR-код.

Кириш.

Бугунги рақамли технологиялар ривожланиши жуда шиддатли кетаётган даврда иқтисодиёт, таълим, саноат тармоқлари қўйингки жамиятнинг барча соҳалари компьютер технологиялари асосида ривожланиши талаб этмоқда. Барча тармоқларни изчил ислоҳ қилиш давомида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва натижада илғор рақамли технологиялардан фойдалагҳниш ҳамда юртимизнинг барча тармоқларида ракобат муҳитини кучайтириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилмоқда.

Иқтисодиётимизнинг муҳим локомотиви бўлган банк тармоғида ҳам жадал суръатлар билан рақамлаштирилган технологияларни қўллаш, банкларимизда замонавий банк бизнес моделларга ўтишида транформация жараёнлари фойдаланиши, турли хилдаги замонавий банк бизнес моделларига ўтиши, уларни тузилишлари, хизмат кўрсатиш сифат ва турлари, масофавий банк хизматларининг жорий этилиши бунга мисолдир. Бу янгиланишлар ўзи билан бир қанча янги тушунчалларни олиб киряпти. Масалан, ID карталар, "Big Data" (йирик маълумотлар омбори), "RegTech"(Regulatory Technology), "SupTech"(supervision technology), маълумотлар булути, ёрдамчи сунъий бот, сунъий интелект каби тушунчаллар. Рақамли замонавий банкингда илк босқич ID карталарнинг жорий этилиш босқичи ҳисобланади. Бу шундай тушунчаки, ҳар бир инсон тўғрисидаги барча маълумотлар дастлаб карта чипларига киритилади. Чиплар эса маълумотлар баъзасида сонлар орқали қодланади (идентификацияланади). Бу чиплар ривожлангандан сўнг, глобал интернет тармоғида булутли маълумотлар базасида инсон ўзининг идентификация маълумотларини тўплаб, ўзининг сезги органлари (хотира, кўз ёки бармоқ изи)

орқали фойдаланишга рухсат беради. Яъни бир сўз билан айтганда, дунёнинг исталган нуқтасида туриб, рухсат этилган сезги органлари орқали биринчи амалларни бажариб, исталган иқтисодий-ижтимоий хизматлардан фойдаланади.

Ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади мамлакатимизда ахборот тизимини жадал ривожлантириш, аҳолига давлат хизматларини кўрсатишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, турли ахборот тизимларида ва масофавий хизмат кўрсатишда шахсни идентификациялашнинг ягона механизмини жорий этилиши, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини самарали таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тизимини яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси биометрик паспорт тизимини модернизация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4079-сон қарори билан республиканинг мавжуд биометрик паспорт тизими инфратузилмаси негизида Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг 2011 йилги намунадаги биометрик паспорти ўрнига 2021 йилдан бошлаб идентификация ID-карталарини расмийлаштириш ва бериш тизимини жорий этилиши босқичи бошлангани, ҳамда ушбу ID-карталарни нафақат жамиятнинг ижтимоий соҳасида, балки банк-молия ва иқтисодиёт соҳаларида қўланилишини ўрганиш ва хulosалар тақдим этишdir.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Иқтисодиётни рақамлаштиришда ID-карталарнинг ўрни ва фоёдаланиш кўлами Рақамли банкингнинг асосий ўзагини ташкил этади.

ID-карта тушунчасига ягона таъриф бериш мушкул. Отабек Тиллаев kun.uz интернет тармоғида қуйидагича таъриф берилади: "ID-карта (identity card) – шахсни тасдиқловчи ҳужжат. Одатда, пластик карта ҳажмида бўлади. Баъзи мамлакатларда шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар миллий гувоҳнома сифатида расмийлаштирилади. Бу турдаги ҳужжатда фотосурат бўлса, у фотосурат идентификатори, деб номланиши ҳам мумкин. Кўплаб мамлакатларда шахсни тасдиқловчи расмий ҳужжат бўлмаса, ҳайдовчилик гувоҳномаси унинг ўрнига ўтиши мумкин. Айрим давлатлар ҳайдовчилик гувоҳномаларини идентификация сифатида қабул қилмайди, бунинг сабабларидан бири уни осонгина сохталаштириш мумкинлигидир. Баъзи мамлакатларда фуқаролардан шахсни тасдиқловчи ҳужжатни ўз ёнида доимий олиб юриш талаб қилинади.

Бундай вазиятда эса ID-карталарнинг ихчам ҳажми уларга қулайлик туғдириши мумкин"¹.

Муаллиф томонидан келтириб ўтилган таъриф қисқа мазмунга эга бўлиб, ID-карта сўзининг маъносини бир йўналишда изоҳланган. Лекин ID-карта кенг маънони англалади.

"Идентификация картаси ёки ID-карта (инглизча *Identity Document*)-электрон тизимда турли даража ва мақсадлардаги шахсни тасдиқловчи расмий хужжат бўлиб, одатда пластик карточка кўринишида бўлади. ID-карта одатда эгасининг маълумотларини чоп этилган ёки электрон шаклда ташкил этиб, унинг шахсий рақами, расми, имзоси, биометрик маълумотларини электрон чип ёки магнит чизмасида жойлаштиради. Тўлиқ ҳолда назорат ва бошқарув учун жуда керак бўлган мукаммал миқдорда маълумотларни ташкил этади"² деб таъриф берилади wikipedia.org сайтида.

Юқоридаги ID-картага келтириб ўтилган таърифлар унинг назарий асосини бир қисмини ташкил қилишини ва бу борада кўп мушоҳада ва муҳокама қилиш мумкинлигини инобатга олган ҳолда "Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификация ID-картаси тўғрисида"ги низомда:³

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификация ID-картаси (кейинги ўринларда — ID-карта) — Ўзбекистон Республикаси худудида эгасининг шахсини ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тасдиқлайдиган, ID-карта эгасининг шахсий биографик ва биометрик маълумотлари киритилган электрон ташувчи қурилма (чип)га эга бўлган хужжат;

чип — ID-картадаги биографик маълумотлар, рақамли фотосурат ва қўл бармоқ изи ҳамда бошқа маълумотларни сақловчи электрон қурилма;

персоналлаштириш — ID-карта эгасининг биографик ва биометрик маълумотларини ID-картага киритиш;

верификациялаш — ID-картага киритилган биометрик маълумотларнинг ID-карта эгасининг биометрик маълумотларига мослигини махсус техник қурилма ёрдамида текшириш;

маълумотларни йиғиш пункти — ID-карта олиш учун мурожаат қилган фуқароларнинг биографик ва биометрик маълумотларини жамлаш, ID-карталарни персоналлаштириш ва бериш вазифаларини бажарувчи ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари ҳамда давлат хизматлари марказлари;

¹ <https://kun.uz/ru/news/2020/05/13/obnarodovan-proyekt-ukaza-prezidenta-po-oformleniyu-i-sisteme-vydachi-id-kart>.

² https://ru.wikipedia.org/wiki/Идентификационные_карты.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида идентификация id-карталарни жорий этиш чора-тадбирлари" тўғрисидаги 2020 йил 22-сентябрьдаги ПФ-6065-сон фармони.

ID-карта олиш учун талабнома (кейинги ўринларда — талабнома) — ID-карта олувчи ҳақида маълумотларни йиғиш пункти томонидан шакллантирилган биографик ва биометрик маълумотларни ўз ичига олган электрон ҳужжат деб юридик таъриф берилган.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асосини маҳаллий ва хорижий олимларнинг классик ва замонавий илмий ишлари ташкил этади. Тадқиқотни олиб боришида ID-карталарнинг технологик жараёнларини таҳлил қилишда тизимли ёндошувга асосланган.

Таҳлил ва натижалар

Таҳлил ва натижалар шуни кўрсатяптики, ҳозирда ID-карталарни амалиётга жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида идентификация id-карталарни жорий этиш чоратадбирлари" тўғрисидаги 2020 йил 22-сентябрьдаги ПФ-6065-сон фармони халқаро тажрибани ўрганиб, унинг асосида «Электрон ҳукумат» тизимининг давлат ва аҳоли ўртасидаги ўзаро муносабатлари бўйича қўшимча электрон шаклларини ишлаб чиқиша ҳамда такомиллаштириш бўйича дастлабки қадамлар ҳисобланади.

Бундай замонавий банк бизнес моделининг маҳсулоти бўлган ID-карталардан фойдаланиши жорий қилиш жуда муҳимлиги ва банклар бизнес-моделларининг корпоратив мижозларга хизмат қўрсатишга йўналтирилганлиги, нобанк молия ташкилотлари, инновациялар ва ахборот тизимларининг сустривожланганлиги сабабли молиявий оммабопликнинг паст даражадалигини Президендумиз Ш.М.Мирзиёев ўзининг "2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги фармонида⁴ ҳам йирик тижорат банкларининг тармоқдаги замонавий талабларга мувофиқ трансформация жараёнларида ортда қолиши, корпоратив бошқарув стандартлари, ахборот технологиялари маҳсулотлари, активлар ва пассивларни бошқариш, мижозлар билан алоқа қилиш бўйича замонавий усулларни амалиётга жорий қилишда кечикилаётганлиги ва давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш, банк ишининг замонавий стандартларини, ахборот технологияларини ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш зарурлигини ургу бериб ўтдилар.

Жимоний ва юридик шахслар томонидан фойдаланиб келинаётган ЭРИ калит функция ва вазифасига кўра ID-карталарнинг бир қанча элементларини ўз ичига олади. Лекин ЭРИ калит ва ID-карталар бўйича қабул қилинган

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси" тўғрисидаги 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон фармони.

қонунчиликка баъзи ўзгартиришлар киритилиши лозим. Бунда юридик ва жисмоний шахсларга берилган ЭРИ калитни ID-карталар функциялариға киритилиши лозим. Тўғри ЭРИ калит масофавий давлат ва банк хизматларидан фойдаланишда қўлланилади. ID-карталар ҳам худди шу функцияни бажаради. Фақатгина амаллар тасдигини ID-карта эгасининг махфий кодлари орқали тасдиқланса ёки ID-карта устига QR-кодларни қўйиб шу орқали тасдиқлаш технологиясини жорий этиш лозим. Бунда сиз ўзингизнинг мобил қурилмангиз орқали исталган пайт муаммосиз хизматлардан фойдалана оласиз.

Кундалик Банк амалиётида ID-карталардан фойдаланишни жорий этсак қўйидаги амалиётда юзага келаётган муаммолар ва камчиликларни бартараф этамиз:

-ҳозирда мижозларга ҳисобварақ очилган пайтда паспортдан нусха олиниб ҳужжатлар йиғмажилдга тикиб қўйилади, худди шундай тўлов ҳужжатлари ҳам қофозда мижозларнинг имзолари асосида тикилади. Бу ҳолат банкнинг операцион вақтини самарасиз ишлатилишига сабаб бўлади, энг ачинарлиси, мижозларнинг вақтини йўқотишга ва оворагарчиликка олиб келади. Ваҳоланки замонавий шароитда ушбу ҳужжатларни сканер нусхаларини сақлаш ёки ID-карталардан тўғридан-тўғри маълумотлар олиш имконлари ҳам мавжуд.

-ID-карталарда йиғилган маълумотларни сақловчи маълумотлар базаси Big Dataдан фойдаланиш бўйича Ўзбекистонда юридик ва жисмоний шахсларнинг ягона идентификациялаш маълумот базасини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартибини жорий этиш лозим ID карталардан кўп тармоқларда (банк, солиқ, молия, божхона, ички орган, медицина ташкилотлари ва х.к.) фойдаланиш тартибини ишлаб чиқилишни ҳамда Тижорат банклариға мижозларни идентификациялашни амалга ошириш учун Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат персоналлаштириш марказининг биометрик маълумотлар базасидан фойдаланиш ҳуқуқини тезроқ берилини тақозо этади.

Жисмоний шахсларнинг ID карталарида қўйидаги мажбурий реквизитлар бўлиши лозим:

гувоҳномаларда фотосуратлар, бармоқ излари, идентификация рақамлари, исм, жинс, миллат, туғилган сана, жой ва сана, шунингдек бўй, касб, иш жойи, манзил ҳақидаги маълумотлар ва имзо ўрин ва маҳсус QR-коди.

Юридик шахсларнинг ID карталарида қўйидаги реквизитлар бўлиши лозим:

идентификация рақамлари, фаолият тури коди, юридик манзили ва бошқа мажбурий реквизитлари.

-Ушбу ID карталарда кўрсатилган идентификацион рақамлар давлат органлари (Хукуқни муҳофаза қилувчи органлар, Давлат Солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат Статистика қўмитаси, МИБ ва бошқалар), банклар, коммунал ташкилотлар (ва бошқа ташкилотлар) учун **ягона идентификацияловчи рақам** бўлиши лозим.

Хулоса ва таклифлар

Тадқиқот ва ўрганишлар шуни кўрсатадики, ID карталарни фойдаланишни банк-молия соҳасида хам фойдалансак, бу соҳада фойдали иш коэффициентини оширамиз, мижозларимизга бўлган хизмат сифатимиз ва тезлигимизни ошириб, янада кўпроқ мижоз жалб эта олишимиз мумкинлигини кўрсатади. Биз бунда киритиладиган ўзгаришлардан олинадиган натижани қўйидагича ажратишими мумкин:

-биринчидан, ID карталарда устида замонавий QR-кодларнинг бщлиши замон ва маконда вақтнинг тежалишига, хатоларнинг камайишига олиб келади.

-иккинчидан, аҳолига ҳизмат кўрсатиш сифати ва оперативлиги ошади, операцион харажатлар қисқаради, операцион рискларни пасайтириш имконияти ошади. Энг асосийси, банқдан ташқари қулай жойдан туриб ҳисобрақмларини хам очиш мумкин бўлади.

-учинчидан, Юридик ва жисмоний шахсларнинг идентификация қилиш, маълумотларни тизимга оператив киритиш, мижозларга тезроқ ва сифатли хизмат кўрсатиш, мижозлар тўғрисида тўлиқроқ маълумотларга эга бўлиш имконияти яратилади. Бу эса, нафақат банкларнинг актив операцияларини кенгайтиришга ва мижозларнинг сифатли, халқаро андозаларга мос равишда молия хизматларини олишга асос яратади, балқи уларнинг ижтимоий-иктисодий характердаги бошқа масалаларни ҳам сифатли ва оператив бажарилишини таъминлайди.

-тўртинчидан, ID карталарнинг кенг жорий этилиши ва ундан тўлиқ фойдаланиш мамлакатимизда катта «Big Data» маълумотлар баъзасини яратилишида асос бўлади. Маълумотлар чалкашлигига чек қўйилади.

-бешинчидан, Яни мижозларни синфлаш имконини беради.

Тадқиқотда банкларнинг кўрсатилаётган хизматлари сифатини яхшилаш, операцион самарадорлигини ошириш, шунингдек уларнинг реал молиявий ҳолатини баҳолаш учун ишончли маълумотларни шакллантириш мақсадида биснес жараёнларни автоматлаштириш учун ID карталардан фойдаланишда қўйидаги таклифларни беришимиз мумкин:

-биринчидан, банкларнинг ахборот тизимлари самарадорлигини, уларнинг мавжуд талабларга мувофиқлигини текшириш ва уларнинг

замонавий маҳсулотларни жорий этиш салоҳиятини баҳолаш учун халқаро консалтинг компанияларини жалб қилишимиз;.

-иккинчидан, жалб қилинган халқаро консалтинг компаниялари билан биргаликда банкларнинг ахборот тизимларини модернизация қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқишимиз;.

-учинчидан, ахборотларни «Big Data» асосида йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш бўйича автоматлаштирилган тизимни жорий этишимиз;.

-тўртинчидан, «RegTech» ва «SupTech» технологияларини татбиқ этиш орқали маъмурий ва операцион жараёнларни автоматлаштириш ва оптималлаштиришимиз;

-бешинчидан, ID карталардан мамлакатимизда фойдаланиш қўламини бир неча тармоқ ва йўналишда эмас, балки барча тармоқ ва йўналишларда тезроқ ва сифатли амалга оширишимиз зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. “Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида йўриқнома” (2009 йил 27 апрел 1948-сон).

2. ЎзР ВМнинг 2015 йил 17 декабрдаги 365-сонли “Жисмоний ва Юридик шахслар марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва «электрон ҳукумат» тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисидаги” Қонуни (1.11.2019 й.).

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сон Фармони).

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси" тўғрисидаги 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида идентификация id-карталарни жорий этиш чора-тадбирлари" тўғрисидаги 2020 йил 22-сентябрьдаги ПФ-6065-сон фармони.

7. <https://kun.uz/> интернет сайти.

8. <https://ru.wikipedia.org/wiki> интернет сайти.